

Таникли драматург ва адабиётшунос Сарвар Олимжонович Азимов 1923 йили Жиззах шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Машхур ўзбек шоири Хамид Олимжоннинг укаси Сарвар Тошкентдаги Карл Маркс номли педагогика техникумини тамомлагач, Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факултетига кириб (1942—1946) ўкиди, сўнгра аспирантурада таълим олди.

1946—1947 йилларда Радио комитетида масъул мухаррир, 1950 йилларда Адабиёт музейида илмий ходим, 1950—1954 йилларда А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, раҳбар ўринbosари бўлиб ишлади.

1954—1956 йилларда Ўзбекистон партия Кўмитасида фан ва маданият бўлими бошлиги, 1956—1957 ва 1980—1985 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари ўюшмасига бошчилик килди. 1957—1959 йилларда Маданият вазири, 1959—1969 йилларда Республика хукумати раиси ўринbosари ва Ташки ишлар вазири бўлиб хизмат килди.

1969—1980 йиллар мобайнида собик СССРнинг Сурия ва Покистондаги элчиси, 1986—1990 йилларда Ташки ишлар вазири бўлиб ишлади.

Ёзувчининг адабий-танкидий фаолияти 1948 йилдан бошланган. «Ўзбек адабиёти тарихини бузишга карши», «СССР халклари адабиёти хрестоматияси тўғрисида», «Ёш ўзбек ёзувчилари ижоди хакида» каби асарлари билан илмий-назарий масалаларни илгари сурди. Сарвар Азимов Хамид Олимжон ижоди бўйича узок йиллар илмий-тадқикот ишларини олиб бориб, 1953 йилда номзодлик, 1972 йилда докторлик диссертацияларини хам килди.

У ўрта мактаблар учун ўзбек адабиёти дарсликлари хрестоматиялари ва дастурларини яратишида катта меҳнат сарф килган.

Сарвар Азимов ўзининг сахна асарлари билан шўро даври ўзбек драматургияси ва театри тараккиётiga мухим хисса кўшиб келди. «Конли сароб» (1961), «Оппок тонг кўшиги» (1962), «Юлдузлар жамоли» (1964) асарлари ва адабиётшуносликка доир илмий-назарий китобларни ўзбек адабиётининг муносаб ютуклариландир. «Замон» драмаси (1968) ўзининг гоявий-бадиий пухталиги билан драматург ижодида алоҳида оърин тутади. Бу асарда колониализм кишанларини парчалаб ташлаб, ўз мустакиллигига эга бўлаётган чет-ел халкларининг хаёти, озодлик учун кураши, миллий озодлик учун курашинин Шаркка кенг ёйилиб, уларнинг юрак-юракларига, акл идрокларига кириб, сингиб бораётганлиги ифодаланиб берилган.

Сарвар Азимов барча драматик асарларида чукур халқиллик билан даврнинг мухим муаммоларини кўтарди. Хорижий мавзуда ёзган асарлари билан ўзбек драматургиясига дунё халклари такдири мавзусини олиб кирди.

Сарвар Азимов ўзбек драматургиясини янги мавзу, янги шакл, янги образлар билан бойитиб келаётган ижодкор.

Ижодкор бир канча радиокиссалар сенарийси муаллифи, кинокиссалар авторидир. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.